Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2022 йил
5 март
ШАНБА
№ 28 (4624)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Жамоа шартномаси:

БОШ МАҚСАД – ХОДИМЛАР МАНФААТИ ВА ҲИМОЯСИ

2022 йилнинг 1 мартидан бошланган Жамоа шартномаларининг бажарилиши ва келгуси давр учун тузиладиган мазкур ҳужжатнинг муҳокамасига бағишланган йиғилиш (конференция)лар айни пайтда корхона, ташкилот ва муассасаларда қизғин муҳокамаларга бой тарзда ўтмоқда.

Бу жараёнда ишчи-ходимларнинг манфаатини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган жиҳатлар ҳамда пандемия муносабати билан қонунчиликка киритилган ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ижтимоий шериклик

ШАФФОФ ФАОЛИЯТ ЭЪТИРОФИ

Нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотнинг 2021 йилдаги фаолиятини ўрганиш асосида «Энг шаффоф нодавлат-нотижорат ташкилотлари топ – 20» рўйхатини эълон қилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳам шаффофлик стандарти асосида «топ-20»га кирган ва мазкур рўйхатнинг 14-поғонасини эгаллаб турибди.

Куни кеча ушбу ташкилотларни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

«Янги Ўзбекистонда ижтимоий шериклик соҳасида: давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлик истиқболлари» мавзуида ташкил этилган ушбу тадбирда фуқаролик жамияти барпо этишда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш масалалари юзасидан фикр ва мулоҳазалар баён этилди.

Соҳа вакиллари 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида белгиланган вазифалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,
«ISHONCH»

Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Покистон Ислом Республикаси Бош вазири **Имрон Хон**нинг таклифига биноан 3-4 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу **мамлакатда бўлди.**

* * *

Пойтахтимизда **«БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлиги»** мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

* * *

Олий Мажлис Сенатининг **Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси** мажлиси бўлиб ўтди.

* * *



Миллий матбуот марказида Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан телевидение, радио, босма ва интернет нашрлари, ахборот хизматлари, шунингдек, журналистика соҳасида илмий фаолият олиб бораётган хотин-қизлар ўртасида ўтказилган **«Атиргул»** танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

* * *

Бугун пойтахтимиздаги **«Юнусобод»** спорт мажмуасида таэквондо ITF бўйича ўсмирлар ўртасида **Ўзбекистон чемпионати бошланади.**

* * *

Қирғизистоннинг **Air Manas** авиакомпанияси бугун узоқ танаффусдан сўнг **Бишкек – Тошкент – Бишкек** йўналиши бўйича илк парвозни **амалга оширди.**

Наманган вилояти

Йиғилиш

Эътиборни янада кучайтириш лозим

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгашининг 2021 йил давомидаги фаолияти якунларига бағишланган навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумот учун айтиш жоизки, ҳозирда тизимда 55 та бошланғич ташкилот бўлиб, аъзолар сони 59491 нафарни ташкил этади.

Йиғилишда қайд этилганидек, 2021 йил давомида тармоқ касаба уюшмасининг вилоят кенгаши ва тизимидаги барча бошланғич ташкилотларга жами 9827 та мурожаат келиб тушган. Тиббиёт муассасаларида ишловчи 4523 нафар ходимга берилиши лозим бўлган имтиёзларнинг берилмагани натижасида ходимларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари бузилгани аниқланган. Аниқланган камчиликлар сони 435 тани ташкил этиб, шундан 307 таси жойида бартараф қилинди.

Ходимга берилиши лозим бўлган имтиёзларни қўлламаслик оқибатида келтирилган зарарни ундириб беришни талаб этиб, иш берувчиларга йил давомида 37 та ёзма кўрсатма, прокуратурага 3 та тақдимнома киритилган. Низоли масалалар юзасидан ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судларга 8 та даъво аризаси киритилиб, иш берувчилардан ходимлар фойдасига 1 миллиард 603 миллион 457 минг сўм маблағ ундирилишига эришилган. Тизимда ишловчи 506 нафар ходим имтиёзли равишда, 45 нафари ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бепул соғломлаштирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури доирасида тиббиёт ходимларидан 1040 нафари Қўқон, Фарғона, Андижон шаҳарларига, кам таъминланган, моддий имконияти етарли бўлмаган оила вакилларидан 115 нафари эса Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига бепул саёҳатларга юборилган.

Мажлисдан сўнг Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгашининг навбатдаги 4-Раёсат йиғилиши ҳам ўтказилди. Унда кун тартибидаги барча масалалар ваколат доирасида кўриб чиқилди ҳамда 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Аббосхон МАМАДАЛИЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси

Тошкент шаҳри

Муҳокама

Муносиб шароит – муваффақият омили

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгашига аъзо корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг бажарилиши ва келгуси давр учун ҳужжатлар қабул қилиш юзасидан конференциялар бўлиб ўтмоқда.

Шундай тадбирлардан бири «Toshkent issiqlik markazi» ДУКда ташкил этилди.

– Жамоа шартномасида белгиланганидек, иш берувчи ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва моддий-маънавий эҳтиёжи йўлида ҳаракат қилаётгани иш унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Шуҳрат Алимуҳамедов. – Зотан, қаердаки ходим ҳар томонлама қўллаб-қувватланса, ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат қўшилиб бораверади.

«Toshkent issiqlik markazi»да ўтган йили олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида меҳнат шартномасида кўрсатилган барча талаблар бажарилди. Буни жамоа шартномасида назарда тутилган 165 та чора-тадбирларнинг барчаси амалга оширилганидан ҳам яққол пайқаш мумкин.

Хусусан, маданий-оммавий ишлар, спорт ва соғломлаштириш бўйича кўзланган чора-тадбирлар, ходим ва уларнинг фарзандларини даволаш, аёлларнинг ижтимоий муҳофазаси, меҳнат муҳофазаси, санаторийларга йўлланмалар ажратиш, ишчи-хизматчиларнинг оила аъзолари, фарзандлари учун имтиёзлар яратиш каби масалалар мутасаддиларнинг доимо диққат марказида бўлди. Ходимларга турли байрам саналари муносабати билан мукофот пуллари бериб борилди.

Айтиш мумкинки, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб меҳнат шароити яратиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар ҳамжиҳатликда амалга оширилган жойда унумдорлик ҳам ортиб бораверади.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи Жанубий оператив қўмондонлиги Хайрабод гарнизонига қарашли ҳарбий қисм хизматчилари оилаларига намунавий лойиҳалар асосида қурилган 30 хонадонли янги уйларнинг калитлари тантанали равишда топширилди.

Қувонч

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

Тадбирда Денов тумани ҳокими А.Аллaмуродов, Жанубий оператив қўмондонлик бошлиғи, полковник П.Сотиволдиев, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

– Турмуш ўртоғим – ҳарбий хизматчи, – дейди Сурайё Пўлатова. – Бу йилги баҳор биз учун қувончли келди. Ўз уй-жойимизга эга бўлдик. Уй калитини олар эканман, кўзимда севинч ёшлари билан муҳтарам Президентимизни алқадим.

– Денов тумани марказидан 15 чақирим олисдаги Хайрабод қишлоғида биз учун бунёд этилган 30 хонали замонавий уй-жойлар бугунги замон талабларига тўлатўкис жавоб беради, – дейди ҳарбий зобит Акмал Абдураҳмонов. – Биз ҳарбийларни қувонтиргани шуки, ҳар бир хонадон шинам ва кўркам, оила учун зарур барча қулайликларга эга, ҳар бир хона юмшоқ ва қаттиқ мебеллар билан жиҳозланган. Фарзандларимиз учун замонавий ўйин майдончаси барпо этилган. Бунинг учун Олий Қўмондонимиз, ҳурматли Президентимизга ташаккурлар айтамиз.

Вилоятдаги ҳарбий хизматчиларга навбат билан янги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Ўктам ЎТАГАНОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси

Қашқадарё вилояти

Сиҳатгоҳларда

Ўтган йили «Қашқадарё соҳили» санаторийсида 550 нафар педагог бепул ҳордиқ чиқарган эди.

ИШОНЧ ЖИЛВАЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасига қаратаётган эътиборининг ёрқин ифодаси ҳисобланган мазкур хайрли тадбир жорий йилда ҳам давом эттирилаётир. Чунончи, шу йилнинг январь ва февраль ойларида 100 нафар таълим фидойиси соғломлаштирилган.

– Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда хайрли ташаббусларни йўлга қўйган, – дейди дам олувчилардан бири, Ғузор туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактаби директори Илҳом Нормуродов. – Жумладан, «Устозлар – касаба уюшмалари эъзозида», «Энг намунали бошланғич ташкилот», «Касаба уюшмаси лауреати», юқори синф ўқувчилари ўртасида «Менинг Президентим» танлови, оммавий спортни кенг татбиқ этиш мақсадида «Соғлом турмуш – жамият таянчи», «Аёллар спартакиадаси», «Халқ таълими ходимлари спартакиадаси» каби спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб борилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, узоқ йиллар таълим соҳасида меҳнат қилиб, кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш анъанага айланди.

– Санаторийга келганимга саккиз кун бўлди, – дейди Косон туманидаги 86-умумтаълим мактаби директори Озода Давронова. – Оёғим оғрир, юрагим безовта қиларди. Ҳозир яхшиман. Мароқли ҳордиқ чиқаряпмиз.

– 53 ёшга кирган бўлсам-да, шу пайтгача бирор сиҳатгоҳда дам олмаган эдим, – дейди Нишон туманидаги 32-мактаб раҳбари Маҳматмурод Бобоёров. – Санаторийда ходимларнинг ширинсўзлиги, гўзал муомаласининг ўзи бир муолажа экан. Бундан ташқари, физиотерапия ва бошқа хилма-хил муолажалардан жисмонан тикландим. Руҳан тетикландим. Барчадан миннатдормиз.

Устозларнинг кўзидаги ишонч жилваларини кўриб, бизнинг ҳам қалбимиз равшанлашди. Зеро, устозларга эҳтиром кўрсатилган жойда юксалиш ва ривожланиш бўлади.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Фаолият

ҚАДРЛАНГАН МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

Ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратишда «O'zbekenergota'mir» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси ҳам эътироф этишга арзигулик ишларни амалга ошириб келмоқда.

2021 йилда касаба уюшмасига ишчи ва хизматчилардан 173 та ариза келиб тушган. Уларнинг 167 таси ўз вақтида қаноатлантирилган.

Корхонада аёллар меҳнати юксак қадрланади. Ўтган йили 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида 86 нафар аёл совға ва ширинликлар билан қутланди. Юбилей саналарини нишонлаётган ўн нафар ходим пул мукофотлари билан тақдирланди.

Корхонада спорт мусобақалари, хусусан, минифутбол бўйича беллашувлар мунтазам ўтказиб келинади. Жамоаларни қўллаб-қувватлаш учун ўтган йили касаба уюшмаси ҳисобидан 11 198 000 сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, бир қатор ходимларга сиҳатгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тиклаши учун бепул йўлланмалар берилди.

Оилавий шароитида ташвишли ёки моддий қийинчилик юзага келган ишчи-хизматчиларга 2021 йил давомида жами 41 215 000 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Пандемия даврида корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ходимларга тиббий ниқоблар тарқатилди. Муборак Рамазон ойида ишчи-хизматчиларга жами 8 337 470 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамоаларни қўллаб-қувватлаш учун ўтган йили касаба уюшмаси ҳисобидан 11 198 000 сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, бир қатор ходимларга сиҳатгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тиклаши учун бепул йўлланмалар берилди.

Ўтган йилда ишчи-хизматчиларнинг қадимий Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Бунинг учун касаба уюшмаси ҳисобидан 10 500 000 сўм харажат қилинди. Ходимларнинг фарзандларини ёзги дам олиш оромгоҳларида дам олишлари учун 21 миллион сўм сарфланди.

Ёз мавсумида «Оқтош», «Кўҳинур», «Турон», «Ботаника», «Чинобод» каби сиҳатгоҳларга ишчи-хизматчиларга йўлланмалар тақдим этилди. Корхонада меҳнат қилаётганларнинг фарзандлари учун салкам беш миллион сўмлик ўқув қуроллари харид қилинди.

2021 йил якунларига кўра касаба уюшма қўмитаси фаоллари ҳам рағбатлантирилган. Бу рағбат уларнинг ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажаришлари учун хизмат қилади, албатта.

Хонбиби ҲИММАТ қизи,
журналист

Бухоро вилояти

Муҳокама

Бухоро шаҳар ҳокимлиги, Бухоро вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси ҳамда «Ипотека банк»нинг Сардор филиали томонидан тасдиқланган жамоа шартномасининг 2021 йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ВАЗИФАЛАР ҚАЙ ДАРАЖАДА УДДАЛАНДИ?

Унда Бухоро шаҳар ҳокимлигининг 2021-2023 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилиши якунлари тўғрисида иш берувчи номидан шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ў.Нажмиддинов ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси У.Исомовнинг ҳисоботлари тингланди.

Жамоа шартномаси бажарилишини текшириб борувчи комиссия раиси Ш.Эгамбердиев иштирокчиларни текширув далолатномаси билан таништирди.

Шундан сўнг, касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари, жамоа шартномаси қайси мақсадларни кўзда тутиб тузилиши ва ўз ичига нималарни қамраб олиши ҳақида тушунтиришлар берилди.

Туроб ҚУЛИЕВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Хоразм вилояти

Маданият

КЎЗГУ ЯРАҚЛАБ ТУРСИН

Давлатимиз раҳбарининг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида Хоразм вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Урганч ихтисослаштирилган санъат мактабида вилоят санъат аҳли вакиллари билан учрашувлар ташкил қилинди.

Қарорда 2022-2023 ўқув йилидан таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари камида битта миллий мусиқа чолғусида куй ижро этиш кўникмасига эга бўлиши ёшларни болаликдан маданият ва санъатга яқинлаштиради.

Ўқувчи ҳамда талабалар иқтидори, қобилиятини ривожлантириш мақсадида ҳар йили 3 босқичдан иборат Республика миқёсида 11 та танлов режалаштирилгани ёшлар учун катта имконият эшикларини очиб беради.

Ушбу қарор асосида ҳудудларда «Маданият кунлари» тадбирлари режалаштирилган бўлиб, уларда Ўзбекистон миллий ва давлат симфоник оркестри, Юнус Ражабий номидаги «Мақом ансамбли» ва ўзбек давлат цирки, шунингдек, маданият вазирлиги тизимидаги давлат театрларининг гастроль сафарлари уюштирилиши меҳнаткаш халқимизнинг санъатдан баҳраманд бўлиб, маданий хордиқ олиши, маънан юксалишига ёрдам беради.

Шунингдек, ушбу қарорда касаба уюшмаларининг ҳам вазифалари белгиланган. Унга кўра касаба уюшма бюджети маблағларидан муассаса ходимлари ва оила аъзоларини маданий ҳордиқ олишлари, яъни концерт, томошалар, спектакларга билет билан таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу тарихий ҳужжат маданият, санъат ривожида, миллатнинг юксалишида муҳим аҳамиятга эга.

Ражаббиби АТАЕВА,
Урганч ихтисослаштирилган санъат мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси

Давра суҳбати

БУГУНГИ ДАВРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Сўнгги пайтларда юртимизда экология ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш мақсадида қандай ишлар амалга ошириляпти? Бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар талаблар даражасидами?

Шунга ўхшаш саволларга Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси қошида ўз фаолиятини бошлаган Экологик журналистика кенгашининг жорий йилги режалари, ушбу мавзуни ёритувчи қаламкашлар олдида турган вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида батафсил жавоблар берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда тобора долзарб тус олаётган экологик масалаларга жамоатчилик диққатини жалб этиш, экологик журналистиканинг асосий мақсад-вазифалари, соҳага оид муаммоларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ва уларга давлат ташкилотларининг муносабати, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун нималарга эътибор қаратиши зарурлиги ҳақида сўз юритишди.

– Экология мавзуси ҳамиша муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган, – деди Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров. – Бу борада кутилган натижаларга эришиш учун, аввало, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш лозим. Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари кенг жамоатчилик ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни асраш жараёнларида иштирок этаётган ташкилотлар ўртасида кўприк вазифасини ўташи керак.

Давра суҳбати баҳс-мунозараларга ва савол-жавобларга бой бўлди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИН ИЗЛАБ... ёхуд чироқ ўчишига асосий айбдор кимлар?

Неча йилдирки, Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси унинг юкини елкасига оладиган, салоҳиятли ва ходимларга ғамхўрлик қиладиган раҳбарга ёлчимаяпти. Соҳада илдиз отаётган нохуш иллатлар эса бир олам. Масалан, яқинда корхонанинг бир неча ходими касаба уюшмаларига мурожаат қилди. Уларнинг айтишича, раҳбарият ташаббуси билан жамоанинг кўплаб ходимлари ноқонуний равишда ишдан бўшатилган, таъбир жоиз бўлса, бамисоли тутдек «каллак»лаб ташланган.

– Фуқаролик ишлари бўйича судлар орқали тизимда ишлаган 15 нафарга яқин ходимнинг ҳуқуқлари тикланди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқи инспектори Улуғбек Ғаниев. – Маъмуриятнинг барча ноқонуний буйруқлари бекор қилинди.

Дарвоқе, раҳбар ғўр бўлса, ходимга ҳам, тизимга ҳам ортиқча ғавғо келтиради. Энг ачинарлиси, ходимларнинг ишга иштиёқи сўнади, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати пасаяди. Мана, бир мисол. Қўшработ туманидаги «Қовунчи» ва «Қоратош» маҳаллаларида электр энергияси узилишлари тез-тез содир бўлаётгани узоқ вақтдан буён бот-бот айтиб келинади. Фуқаролар вилоят ҳокимлиги қошида ташкил этилган тезкор штаб телефони орқали бу ҳақда кўп бор хабар қилишгани ҳам кўпчиликка аён. Аммо амалда ҳеч қандай ижобий ўзгариш сезилмаяпти. Оқибатда эътирозлар борган сари кўпайиб, иккала маҳалла аҳлининг электр корхонасига нисбатан норозилиги кучаймоқда.

Шу боис, биз муаммонинг асл сабабларини батафсил ўрганишга аҳд қилдик. Туман электр тармоқларининг навбатчилик қисми мутасаддилари энергия узатилишига ҳеч қандай чеклов ўрнатилмаганини айтишди. Шундан сўнг юқорида тилга олинган маҳаллалар аҳолисига хизмат кўрсатаётган «Қўшработ-2» подстанцияси томон йўл олдик. У ерда эса ниҳоятда аянчли ҳолатга дуч келдик.

Аввало, батамом қаровсиз қолган подстанция эшигига қулф урилганди. Иккинчидан, электромонтёрларнинг алмисоқдан қолган хизмат биноси узоқ йиллардан буён таъмирланмагани яққол сезилиб турарди. Томидаги шиферларнинг бир қисмини шамол учириб кетган, қолганларининг устига оғир тошлар бостириб қўйилган. Зеро, ўта ночор аҳволдаги бинони ишхона дейишга ҳам тил бормайди.

Шу ўринда ўз-ўзидан «Қарийб 50 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган ходимлар фойдаланадиган бу иншоотни шу пайтгача бирор раҳбар кўрмаганми, кўрган бўлса, нега унга эътибор қаратмаганми?» деган саволлар туғилади.

Биз ҳаммасидан ҳам ҳудудга бириктирилган электромонтёрларга ачиндик. Негаки, улар ҳар куни бир нечта қишлоқни пиёда оралаб, 20-25 чақирим йўл босишади. Ўрнатилганига 48 йилдан ошган омонат симёғочларларни тузатишади. Сўнгра ўзларига ажратилган кулбаи вайронага қайтиб келиб, навбатчилик қилишади.

Биз ҳаммасидан ҳам ҳудудга бириктирилган электромонтёрларга ачиндик. Негаки, улар ҳар куни бир нечта қишлоқни пиёда оралаб, 20-25 чақирим йўл босишади. Ўрнатилганига 48 йилдан ошган омонат симёғочларларни тузатишади. Сўнгра ўзларига ажратилган кулбаи вайронага қайтиб келиб, навбатчилик қилишади.

Уларнинг айтишича, бир замонлар ушбу подстанцияда ҳақ тўланадиган навбатчилик йўлга қўйилган. Кейинчалик Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан бу штатлар қисқартирилган ва участка электромонтёрлари текинга навбатчилик қиладиган бўлишган. Улар ноқулай об-ҳаво шароитида дарҳол осонгина усулни қўллашади. Бирор нохуш ҳодиса келиб чиқишининг олдини олиш ҳамда кун бўйи ишлаганлари етмагандай, тунни ҳам хароба бинода ўтказмаслик ниятида олис маҳаллаларни тармоқдан узиб қўя қолишади.

Энг ачинарлиси, тумандаги саноқли подстанцияларнинг энг йириги бўлган бу муҳим объект тунда, аниқроғи, 15 соат мобайнида қаровсиз қолдирилмоқда. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тизимда ходимларга қулай ва муносиб меҳнат шароити яратиб бериш иш берувчининг мажбурияти экани тамоман унутилган. Бундан нафақат соҳа ходимлари, балки минглаб истеъмолчилар ҳам азият чекишмоқда. Эҳтимол, бундайин сунъий муаммоларни кўпайтиришдан кимлардир манфаатдордир?

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Во, ажаб...

«ОБОД»даги ОҚ ва ҚОРА ранглар

Ғузор туманидаги «Обод» маҳалласида бўлганимизда ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатга дуч келдик.

– Шу маҳаллада яшайман, – дейди Фазлиддин Аралов. – 26 та оила яшайдиган «дом»нинг шиферлари эскириб, яроқсиз бўлиб қолганди. Ўтган йили уйнинг том қисми тўлиқ янгиланди. Уйимиз олдида болалар майдончаси ташкил этилганидан ўғил-қизларимиз хурсанд. Ёритгич чироқлар ўрнатилгани боис, кечалари кўчалар ойдин бўлди. Ҳаммаси яхши, аммо 26 та хонадон аҳолисига хизмат кўрсатадиган умумий ҳожатхонани янгилаш зарур. Чунки сифатсиз қурилгани учун деворлари ёрилиб кетган. Ҳожатхонага ёндош қилиб қурилган хоналарнинг том қисмини шамол учириб кетгани боис, биров фойдаланмайди. Киши таъбини хира қилади, холос.

Қўшни аёл Комила Қурбонованинг айтишича, ёғин-сочинли кунларда сув кўллаб қолиши сабабли уй олдидаги кўчадан юриб бўлмас экан. Улар айтганидек, асфальт қилишса, яхши бўларди.

– Кўчаларимиз маҳалла номига мос эмас, – деди шу маҳаллада яшовчи Ўрол Дўрмонов. – Ўйдим-чўнқирлигидан ҳеч туман марказидаги кўчага ўхшамайди. Ўзим иккинчи гуруҳ ногирониман. Тегишли ташкилотларга маҳалламиз обод бўлиши учун мурожаат қилишдан эринмайман. Сал ноқулай бўлса-да, айтай, маҳалламизда фаолият муддатини ўтаб бўлган эски ва хароба ҳожатхоналар бор. Уларни олиб ташлаб, ҳудудни обод қилиш, дарахтлар экиб, кўкаламзорлаштириш, бўш ҳудудда спорт ўйингоҳи ташкил этиш вақти келди.

Кўрдик, маҳаллада ижобий ўзгаришлар бор. Аммо оқ ранглардан ташқари қора доғлар ҳам йўқ эмас. Умид қиламизки, бу камчиликлар тез орада бартараф этилиб, Ғузор тумани марказидаги «Обод» маҳалласи чинданам кўркам ва обод маҳаллага айланади.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Акс-садо

Яқинда «Ishonch» газетасида Дилором Худойберганованинг «Кўрпамизга қараб оёқ узатайлик» сарлавҳали мақоласини ўқиб, ёдимга бир танишим айтиб берган воқеа тушди.

Ҳолимизга боқиб, ноғора қоқайлик

Воқеа шундай бўлган: танишимнинг қариндоши (аёл киши) катта қарз олиб, ўғлини уйлантиради. Она «ўғлим бошқа тенгдошларининг олдида ўксимасин», дея бугун урф бўлган барча одатларни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилган. Шундай ҳам бўлган. Тўй жуда дабдабали ўтган. Аммо тўй ўтгач, қарзни сўраб келиш бошланади. Аммо уни тўлашга келганда... Алалоқибат, иш судгача боради. Она қамалади.

Мулоҳаза қилиниши керак бўлган ҳолат шуки, аёл кишининг тўй учун қарз олиб, қамоқхонада ўтиргани ниҳоятда ачинарли. Айниқса, невара суйиб ўтириши керак бўлган аёл учун.

Яна ҳам мушоҳада қилиш керак бўлгани шуки, бу биргина ҳолат эмас. Жамиятда бундай вазиятлар ниҳоятда кўп. Бу бизнинг ҳаётимиз қимматини яхши англамаслигимиз, ҳою-ҳавасларга ҳаддан ортиқ берилиб кетганимиз белгиси, менимча.

Мен бир нарсага ҳайрон қоламан: ривожланган давлатлар аҳолисининг турмуш тарзига назар солсак, уларнинг энг бой аҳолиси ҳам тўйни бизчалик катта дабдаба билан ўтказмайди. Оддийгина, камтарона нишонлашади. Қайтанга тўйга кетадиган пулга турли давлатларга саёҳат қилишади, китоблар сотиб олишади. Натижада бу каби жиҳатлар сабаб оиланинг мустаҳкамлиги ҳам ошади. Бизда эса ота-она қаригунча йиғиниб, саломатлигига қараш ўрнига данғиллама тўйлар қилади. Кейин эса қарз тўлаб, сиқилиб, саломатлигидан ҳам айрилади.

Айтар фикрим шуки: биз қачон ҳаётга реал қараймиз? Тўйларимизни дабдабали эмас, содда ва ихчам ўтказишни қачон ўрганамиз? Қачон ҳолимизга қараб тўй қиламиз?

Унсиной АРЗИҚУЛОВА,
талаба

Мулоҳаза

Тақлиддан топилмайди...

Мен ҳар куни метрода ўқишга қатнайман. Йўловчилар кўп бўлади. Аксарияти ёшлар. Кузатдимки, улар қўлларидаги телефоннинг ичига «тушиб кетаман» дейди.

Шу боисдан улар атрофга умуман эътибор беришмайди. Ўзлари ўтириб кетишади, лекин олдида тик туриб кетаётган ёши улуғларни «кўришмайди». Бундай ҳолат ҳақида минглаб мисоллар келтириш мумкин. Афсуски, жамоат транспортларида катталарга жой, кўчаларда салом бермаслик одатий ҳолга айланиб бўлди.

Ёшлар машҳур спортчилар ва санъаткорлар тақлид қилиб, кўп нарса топмаяпти, аксинча кўп нарса йўқотяпти. Баъзан ҳайрон қоламан. Йигит-қизлар ўзлари тақлид қилаётган машҳурларнинг кимлигини билишармикан? Шундай номдор шахслар борки, уларнинг ҳаётига ҳечам ҳавас қилиб бўлмайди. Бундан бехабар ёшлар уларнинг сочига, соқолига «осилишади». Қизлар эса, керак бўлса, пардоз-андоз, кийиниш бобида ўз «кумирлари»ни ҳам йўлда қолдириб кетишади.

Биз нега буқадар бепарво бўлиб кетяпмиз? Ёши улуғ инсонларга эътиборсизлик билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳақида кўпчиликдан бир хил жавоб олдим. Нима эмиш, интернет замонида яшаётган эканмиз. Ёшларнинг онг-шуури шу билан шаклланаётган экан.

Демак, ҳаммаси тақлидга боғлиқ. Виртуал олам орқали дунёни кузатиб, шунга тақлид қиляпмиз. Ҳа, бизлар тақлид қилишда анча илғор, устасифарангмиз.

Остона хатлаб кўчага чиқилса, ажиб «манзара»га дуч келасиз... Узун соқолли ёшлар қаторига энди жингалак сочли йигитлар қўшиляпти. Қизлар учун эса миллийлигимизга зид бўлган пардоз-андозлар, кийимлар мода...

Ёшлар машҳур спортчилар ва санъаткорларга тақлид қилиб, кўп нарса топмаяпти, аксинча кўп нарса йўқотяпти.

Баъзан ҳайрон қоламан. Йигит-қизлар ўзлари тақлид қилаётган машҳурларнинг кимлигини билишармикан? Шундай номдор шахслар борки, уларнинг ҳаётига ҳечам ҳавас қилиб бўлмайди. Бундан бехабар ёшлар уларнинг сочига, соқолига «осилишади». Қизлар эса, керак бўлса, пардоз-андоз, кийиниш бобида ўз «кумирлари»ни ҳам йўлда қолдириб кетишади.

Агар аҳвол шу йўсинда давом этаверса, энг аввало, ўзлигимизни йўқотишга, сўнг эса, миллатнинг ўзгариб кетишига «замин» яратган бўлмаймизми?

Марҳабо АБДУҲАМИДОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Таҳлил

ГЎШТ НАРХИ нега ошаверади?

КЎП ВА ХЎБ ГАПИРИЛГАН МАВЗУ БОР: УНИ РОСА «НИМТАЛАЙМИЗ». КЎП МАҲСУЛОТЛАРНИНГ НАРХИ ОШИБ-ТУШИБ ТУРИШИНИ БИЛАМИЗ. АММО УЗОҚ ВАҚТЛАРДАН БЕРИ ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НАРХИ ТУШГАНИНИ ҲЕЧ КИМ ЭСЛОЛМАСА КЕРАК. МАЗКУР МАҚОЛАДА БУНИНГ САБАБ ВА ЕЧИМЛАРИ ҲАҚИДА ФИКР ЮРИТДИК.

АВВАЛЛАРИ ҚАНДАЙ ЭДИ?

Узоққа бормайлик, бундан ўн-ўн беш йил олдин қишлоқларда, ҳатто, азим Тошкентдаги баъзи хонадонларда ҳам сигир, қўй, товуқ боқилган. Шунга яраша қишлоқда яйлов, шаҳарда эса уйлар атрофида яшил майдон бор эди.

Табиий жараён – аҳолининг кўпайиши, урбанизация натижасида шаҳарлар ўтлоқ ва дала ерлари ҳисобига кенгайди. Мос равишда қишлоқларда ҳам уйлар сони ортиб, яйловлар торайиб борди.

Маълумотларга қараганда, сўнгги 15 йилда республикада озуқа ер майдони 429 минг гектардан 340 минг гектарга қисқариб, бир шартли бош чорва молга тўғри келадиган озуқа ер майдони 50 сотихдан 27 сотихгача камайган. Натижада, озуқа ем қимматлашди, таклифдан кўра талаб ортди. Қолаверса, чорва молларининг наслини сақлаш, боқиш харажатини камайтириб, маҳсулдорликни ошириш бўйича етарли ишлар олиб борилмади. Ҳисоб-китобларда чорва туёқ сони ошса-да, етиштирилаётган маҳсулот ҳажми пастлигича қолаверди. Ҳатто бугунги кунда ҳам наслчилик борасидаги ишларни кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

Мисол учун, бир бош маҳаллий сигирни боқиш учун хонадонда кунига ўртача 27 минг сўм харажат ҳисобига 5 литр (ўртача 25 минг сўм), чорвачилик хўжаликларида эса 31 минг сўм харажат ҳисобига 10-12 литр (50-60 минг сўм) сут олинмоқда.

Ижодий сафар билан Европа мамлакатларида бўлганимда, бир кунда бир соғин сигирдан 60-65 литргача сут олинишига гувоҳ бўлганман. Қизиғи, ўша ерда ҳам somon ва хашак – асосий озуқа. Хусусан, Австрияда наслли моллар гўшт ва сут учун алоҳида етиштирилади.

Тўғри, давлат чорвачиликни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиб, биргина 2021 йилнинг ўзида наслли қорамол, қўй-эчки импорти ҳамда етиштирилган гўшт ва сут учун чорвачилик хўжаликларига жами 58,5 миллиард сўм миқдорида субсидиялар ажратди. Бунинг натижасида муаммолар тез орада ечим топмайди, албатта. Чунки ўтган йил олиб келинган ғунажиннинг сутга киришига ҳам анча вақт керак.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда гўшт ва сут маҳсулотлари нархини барқарорлаштириш, аҳолини сифатли озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш учун ҳали имкониятлар етарли.

Президентнинг 2022 йил 8 февралдаги «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида айнан шу мақсад кўзда тутилган. Қарор билан пахта ва ғалла етиштирувчи субъектлар томонидан экин ерларининг 10 фоизига (жами 206 минг гектар) беда ва чорва озуқа экинларини алмашлаб экиш, 2022-2024 йилларда 310 та пахта-тўқимачилик, ғаллачилик ва шоличилик кластерлари томонидан 500-1000 бошли чорвачилик комплексларини ташкил этиш белгилаб берилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур тадбирлар натижасида, йилига қўшимча 2 миллион тонна озуқа бирлигини жамғариш ҳисобига сут йўналишида 250 минг бош сигир, гўшт йўналишида 500 минг бош қорамол боқилиб, 2,2 миллион тонна сут ва 400 минг тонна тирик вазнда гўшт етиштирилади.

МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, СЎНГГИ 15 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАДА ОЗУҚА ЕР МАЙДОНИ 429 МИНГ ГЕКТАРДАН 340 МИНГ ГЕКТАРГА ҚИСҚАРИБ, БИР ШАРТЛИ БОШ ЧОРВА МОЛГА ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН ОЗУҚА ЕР МАЙДОНИ 50 СОТИХДАН 27 СОТИХГАЧА КАМАЙГАН. НАТИЖАДА, ОЗУҚА ЕМ ҚИММАТЛАШДИ, ТАКЛИФДАН КЎРА ТАЛАБ ОРТДИ. ҚОЛАВЕРСА, ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ НАСЛИНИ САҚЛАШ, БОҚИШ ХАРАЖАТИНИ КАМАЙТИРИБ, МАҲСУЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЕТАРЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМАДИ. ҲИСОБ-КИТОБЛАРДА ЧОРВА ТУЁҚ СОНИ ОШСА-ДА, ЕТИШТИРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ПАСТЛИГИЧА ҚОЛАВЕРДИ. ҲАТТО БУГУНГИ КУНДА ҲАМ НАСЛЧИЛИК БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎНГИЛДАГИДЕК, ДЕБ БЎЛМАЙДИ.

КООПЕРАЦИЯ УСУЛИ НАФ БЕРАДИМИ?

Натижага эришишнинг мақбул йўлларидан бири ҳам шу. Бунинг самарасини Шаҳрихон туманидаги «Гулистон нурли истиқболи» корхонасининг иш тажрибаси мисолида кўриб чиқамиз. Ҳозирда корхона томонидан 89 та хонадонга 3 йил давомида бўлиб тўлаш шарти билан 160 бош наслли қорамол тарқатилган. Сут аҳолидан сотиб олиниб, қайта ишланмоқда ва бир бош сигирдан ойига ўртача 850 минг сўм даромад кўрилмоқда.

Қарорда шу жиҳат ҳисобга олинган. 2022-2023 йилларда ҳар бир туманда камида 1 тадан гўшт ва сут маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар томонидан аҳоли хонадонларига кооперация усулида чорва молларини етказиб бериш, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотиш ташкил этилади.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ УЧУН РАҒБАТ

Тадбиркор гўшт ёки сут маҳсулотини етиштириб, уни сотади, даромад олади. Даромад устига бу фаолияти учун давлатдан қўшимча маблағ ҳам олса, шунинг ўзиёқ яхши имконият ва рағбат эмасми? Берилаётган рағбат бозор нархига қараб ошиб борса, нур устига нур-ку?

Гап субсидия ҳақида бормоқда. Айни қарор билан 2022 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар маҳаллий чорвачилик хўжаликларига гўштнинг ҳар 1 килограмми учун тўланадиган субсидия миқдори 2 минг сўмдан 4 минг сўмга, сутнинг ҳар 1 литри учун 200 сўмдан 400 сўмга оширилди.

Субсидияни оширилган миқдорда тўлаш учун Давлат бюджетидан 2022-2023 йилларда қўшимча 296 миллиард сўм, шу жумладан, 2022 йилда 144,4 миллиард сўм маблағ сарфланади.

КЎККА ҚАРАГАН ЭЛМИЗ

Юртимиз ҳудудларида яйлов сифатида фойдаланиладиган ерларнинг асосий қисмини ламмикор ерлар ташкил этади. Минтақамизда ёғингарчиликнинг камайиб бораётгани бу ерлардан фойдаланиш имкониятини ҳам қисқартирмоқда.

Ягона йўл – сувни ҳам, ерни ҳам тежаган ҳолда, интенсив усулда озуқа етиштириш ва чорва боқиш. Қарорда бунинг ҳам йўллари кўрсатиб ўтилган. Яъни, озуқа экин ер майдонларида ёмғирлатиб ва томчилатиб суғоришни жорий этган чорвачилик хўжаликларига давлат бюджетидан унинг ҳар бир гектари учун 8 миллион сўм субсидия ажратилади.

Шунингдек, гидропоника усулида чорва молларига озуқа етиштириш ускуналарини харид қилиш харажатининг 20 фоизи давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Айни шу йўналишда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 20 миллиард сўмгача бўлган кредит фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига Тадбиркорлик жамғармаси ҳисобидан компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи миқдорида кафиллик тақдим этиладиган бўлди.

Қарорда белгиланганидек, чорвачилик хўжаликлари кредит ва лизинг асосида олинган қишлоқ хўжалиги техникалари фоиз харажатларининг 10 фоиз пунктидан ортиқ қисми Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан қоплаб берилиши ҳам тадбиркор фойдасига хизмат қилади.

Харажатларнинг бир қисми давлат томонидан қоплаб берилиши, хориждан келтириладиган техникаларнинг бож тўловларидан озод этилиши, имтиёзли кредитларнинг ажратилиши корхоналар қувватининг ошишига ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ортишига олиб келади.

Бу эса бозорнинг тўйинишига ва нархларнинг пасайишига ижобий таъсир кўрсатади.

ТОМОРҚА – КОНИ ФОЙДА

Очиқ маълумотлардан маълум бўлмоқдаки, айни вақтда томорқа ер эгалари ихтиёрида 503 минг гектар экин ери мавжуд. Бу – ҳақиқатан ҳам ишга солинмаган катта ресурс. Яъни, аҳоли мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ўз томорқасида озуқа экин етиштирса ва чорва, парранда боқадиган бўлса, юқоридаги кўрсаткичлар яна бир неча бараварга ошиши мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги «Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори кенг имконият яратади.

Қарор билан томорқа ер эгаларига 100 бош парранда, 5-10 бош курка, 20 бош қуён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уясини боқишни йўлга қўйиш учун йиллик 14 фоиз ставкада имтиёзли кредит ажратиш назарда тутилган.

Тўғри, аҳолига кредит ҳисобига қорамол бериш янгилик эмас. Лекин айрим ҳолларда бозор нархидан анча қимматга ёки наслдор бўлмаган қорамолларнинг аҳолига берилиши, сифатли ветеринария хизмати кўрсатилмагани аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Кўпчилик мол ва қўй гўштини истеъмол қилади. Лекин улардан фойдалироқ бўлган товуқ, курка, бедана, қуён, балиқ каби маҳсулотлар рационимиздан камроқ ўрин эгаллайди.

Агар аҳолида ушбу маҳсулотларнинг фойдали томонлари ҳақида янада кўпроқ маълумот пайдо бўлса, ёрдамчи хўжаликлар фаолияти ҳам тезроқ ривожланармиди?

Хулоса шуки, давлат аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган гўшт ва сут маҳсулотларини етиштиришни рағбатлантириш учун янги молиявий йўналишларни қўллаймоқда. Афсуски, аксарият ҳолда аҳоли яратилаётган қулайлик ва имкониятлардан бехабар қолмоқда ёки қуйига қараб ижро интизоми сусайиб бормоқда. Қолаверса, айни масалалар билан шуғулланадиган ҳоким ёрдамчилари вақт-бевақт ўтказилиб, соатлаб давом этадиган мажлислар ўрнига давлат раҳбари берган топшириқ билан шуғулланса, натижалар янада тезроқ кўзга ташланади.

Дилшод БЎРИЕВ,
журналист

Фарғона вилояти

Ички туризм

Кўҳна кент таассуротлари

Касаба уюшмалари ўз аъзоларини юртимизнинг бой тарихи, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан кенгроқ таништириш мақсадида юртимиз бўйлаб саёҳатларни амалга ошириб келмоқда.

Бу гал Хива шаҳрига бўлган саёҳатга Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши томонидан нодавлат муассасаларда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари таклиф этилди.

Тарғибот ишлари натижаси ўлароқ 2018 йилда Қува туманидаги «Мед доктор Арслонов» хусусий клиникасида касаба уюшма қўмитаси тузилган эди. Ҳозирда бу ерда 50 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатади.

– Бу кўҳна шаҳарни фақат телевизор орқалигина кўрардим. Касаба уюшмалари шарофати билан орзуларим ушалди, – дейди «Мед доктор Арслонов» хусусий клиникаси ходими Рисолат Қувватова.

– Аввало, касаба уюшмаларининг бу таклифидан бошим осмонга етди, – дейди Нодирахон Тўхтасинова. – Қадимий шаҳардан олам-олам таассуротлар билан қайтдим.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

«Етти пир» зиёрати

Ҳар йили нафақат юртимизнинг, балки дунёнинг турли нуқталаридан минглаб сайёҳлар Бухородаги «Етти пир» зиёратига ошиқади. Зеро, мазкур зиёрат Бухоронинг ташриф қоғозига айланган.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Когон тумани кенгаши уюштирган навбатдаги саёҳат мана шу зиёратгоҳлар бўйлаб бўлди. Унга тумандаги умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотларидан 100 нафар ходим жалб этилди.

Ғиждувон туманидаги Абдулхолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳидан бошланган саёҳат Шофиркондаги Ориф Ревгарий, Вобкентдаги Анжир Фағнавий, Ромитандаги Хожа Али Ромитаний, Бобойи Самосий мақбараларида давом этди. Когон туманида жойлашган Мир Кулол ҳамда ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қадамжолари зиёратнинг сўнгги манзили бўлди.

Саёҳатчилар муҳташам меъморий обидаларни томоша қилиш баробарида буюк боболаримизнинг ҳаёти, тасаввуф илмига қўшган ҳиссаси, халқимизга қолдирган илмий мероси ҳақида маълумотга ҳам эга бўлишди.

Маҳбуба ЮСУПОВА,
Когон туманидаги
4-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

Самарқанд вилояти

Спорт

«Аёл – жамият таянчи»

Шу шиор остида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ургут тумани кенгаши томонидан спорт мусобақалари ташкиллаштирилди. Унда 300 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этишди.

– Мусобақалар кўпчиликда катта таассурот қолдирди, – дейди тармоқ кенгаши раиси Ғайрат Жамолов. – Спортнинг 7 тури бўйича мусобақаларда ғолиблар аниқланди.

Уларга касаба уюшмаларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Маҳлиё РАЗЗОҚОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилоят кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт бўлими мутахассиси

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 21 декабрда Рискулов Марат Уразбаевич номига берилган № 076-рақамли адвокатлик гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиҳлар:
Д. Худойберганова,
У. Худойберганова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **23:40**
Топширилди – **00:10**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **V- 5053** **34419** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130